ТАСВИРИЙ САНЪАТ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДИК ТАЙЁРГАРЛИК ДАРАЖАСИ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Ж.А.Исаков

Мақолада тасвирий санъат ўқитувчисининг илмий-методик компетенцияси ва методологик тайёргарлиги масалалари ёритилган. Тасвирий санъат ўқитувчисининг методик тайёргарлигига методологик таркибий қисм киритиш зарурати асосланган.

Калит сўзлар: *касбий тайёргарлик, педагогик фаолият, мустақил таълим, компетенция, илмий-методик тайёргарлик.*

В статье освещены вопросы научно-методической компетенции и методической подготовки учителей изобразительного искусства. Обоснована необходимость включения в методическую подготовку учителей данного профиля методологической составляющей.

Ключевые слова: *профессиональная подготовка, педагогическая деятельность, самостоятельное обучение, компетенция, научно-методическая подготовка.*

The article deals with questions of scientific and methodological competence and methodical preparation of teachers of the fine arts. The necessity of inclusion in the methodological training of teachers of the profile of the methodological component.

Key words: *professional training, teaching activities, independent learning, competence, scientific and methodical preparation.*

Инсон онги ва ҳиссиётининг шаклланишида узоқ ўтмишдан то шу кунга қадар яратилган ҳамда ҳозирги кунда яратилаётган нодир санъат асарлари муҳим аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан ҳам уларнинг ғоявий ва бадиий томонларини тушунтириш, улардан руҳланган ҳолда янги санъат асарларини чизишни ўргатиш бўлажак тасвирий санъат ўқитувчисидан юксак даражадаги педагогик салоҳият ҳамда илмий-методик тайёргарликни талаб қилади. Бу эса, ўз навбатида, талабаларда санъат асарларига, умуман бадиият ва гўзалликка муҳаббатни ривожлантириш, миллий ва жаҳон санъати дурдоналари ва уларни яратган ижодкорлар билан таништириш, нодир асарларни бадиий таҳлил этишга ўргатишга хизмат қилади.

Бугунги кунда тасвирий санъат ўқитувчисининг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:

- касбий таълим педагогикаси ва ташхис технологияси;
- ўқитишнинг дидактик воситалари;
- таълимнинг электрон воситалари.

Шунга кўра, тасвирий санъат ўқитувчисининг касбий тайёргарлигига мувофиқ қуйидаги касбга оид фаолият турлари фарқланади:

• ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимининг мос таълим муассасаларида педагогик фаолият;
• тарбиячилик;
• ўқув-методик;
• ишлаб-чиқариш (санъат ва муҳандислик);
• ижтимоий ва жамоа соҳасида;
• илмий-тадқиқот.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиси таълим йўналиши бўйича бакалавр таълим дастурини ўзлаштириш натижасида касбий тайёргарликнинг асосий турлари ва махсус тайёргарлигига мос қуйидаги касбий вазифаларни бажариши керак:

- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими мос таълим муассасаларида педагогик фаолияти:
- ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимининг мос таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий машғулотларни ўтказиш;
- ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимининг мос таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича амалий ва лаборатория машғулотларини, жумладан, ўқув устахоналарида ўтказиш;
- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ностандарт ўқув машғулотларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш;
- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни шакллантириш ва тузиш;
- ўқитилаётган фан бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш;
- мустақил таълим ва ижодий изланиш натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар соҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш.

Тарбиячилик фаолияти:

- умумий ўрта таълим ва касб-ҳунар коллежларидан ташқари муассасаларда тарбиячи бўлиб ишлаш.

Ўқув-методик фаолияти:

- мос таълим йўналишлар бўйича таълимни амалга оширувчи вазирликлар, унинг тармоқ бошқармалари ва муассасаларида методист бўлиб ишлаш.

Ишлаб-чиқариш (санъат ва муҳандислик) фаолияти:

- ижодкор-уста: санъат ва муҳандисликнинг барча турлари, жанрлари ва техникаларида босма маҳсулотларни безаш, турли адабий асарларни иллюстрациялаш, барча кўринишдаги плакатлар, жумладан, реклама плакатлари яратиш, замонавий хаттотлик ва миниатюра асарлари яратиш;

- рахбар-ижрочи: маданий-маърифий, бадиий ишлаб чиқариш, таъмирлаш ишларини бажаришга мослашиш;

- касбий этика кодексига риоя қилиш.

Ижтимоий ва жамоа соҳасидаги фаолияти:

- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;

- ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишда иштирок этиш.

Илмий-тадқиқот фаолияти:

- педагогик экспериментлар ўтказиш ва унинг натижаларини қайта ишлаш;

- ўрнатилган тартибларда олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, касб-ҳунар таълими, шунингдек, малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш курсларида ишлаши мумкин.

Касбий фаолиятнинг бу турларида тасвирий санъат ўқитувчиси ўзининг илмий-методик тайёргарлик даражаси компетенциясини шакллантириб бориши катта аҳамият касб этади.

О.С.Гребенюк ва Т.Б.Гребенюклар томонидан талабаларда шакллантириладиган гносеологик, конструктив, коммуникатив, лойиҳалаш ва ташкилотчиликка оид билим, кўникма ва малакалар каби гуруҳларга ажратилган ҳамда билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг умумий дидактик йўллари ёритилган.

Бизга маълумки, ҳар бир ўқув фани ўқитувчиси ўзлаштириши лозим бўлган методик билим, кўникма ва малакаларнинг аниқ белгиланиши педагог кадрларни тайёрлаш сифатини орттириш имконини беради. Шунингдек, ўқитувчи илмий-методик тайёргарлигининг таркибий қисмлари бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар таҳлили ўқитувчиларнинг муайян бир фанни ўзига хос хусусиятяарини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш орқали таълим-тарбия жараёнидан кўзланган натижага эришиш учун зарур билим, кўникма ва малакаларининг йиғиндиси уларнинг методик тайёргарлиги деб белгиланишини кўрсатди. Тасвирий санъат ўқитувчилари томонидан ташкил этилган таълим-тарбия жараёнининг таҳлил этилиши уларда мазкур билим, кўникма ва малакаларнинг ўзигина етарли эмас, балки тасвирий санъат назариясини ҳам яхши бириш зарурлигини кўрсатди.

Маълумки, назарий ва концептуал асосга эга бўлмаган билим, кўникма ва малакаларнинг педагогик фаолиятда қўлланиши субъективизмга олиб келади ва кўзланган натижага эришиш имконини бермайди. Шу сабабли тасвирий санъат ўқитувчисининг методик тайёргарлигига янги методологик таркибий қисм киритилди ва унга мансуб билим, кўникма ва малакалар аниқланди.

Тасвирий санъат ўқитувчисининг методик тайёргарлигига методологик таркибий қисм киритилиши мазкур тайёргарлик номини илмий-методик тайёргарлик деб ўзгартиришга асос бўлди.

Тадқиқ этилаётган муаммо ўқитувчининг илмий-методик тайёргарлигига қўйилган талабларга жавоб берадиган, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”нинг ҳозирги босқич ва истиқболдаги вазифаларини амалга оширишга қодир, юксак умумий ва касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга тасвирий санъат ўқитувчисини шакллантиришни кўзда тутади.

Тасвирий санъат ўқитувчисини тайёрлашнинг таҳлили бу жараёнда:

1) узлуксиз таълим тизими турлари умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий педагогик таълим, педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими ўртасида узвийликнинг етарли эмаслиги;

2) ўқитувчиларнинг касбий, хусусан, илмий-методик тайёргарлиги таълим тизимидаги таълим-тарбия жараёнининг мазмуни ва тавсифидан орқада қолаётгани;

3) ўқитувчиларда ижодий ва ижтимоий фаоллик, ғоявий-сиёсий етуклик етарли даражада эмаслиги;

4) педагогика олий ўқув юртларида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг илмий-методик тайёргарлиги, хусусан, методик билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш даражасининг юқори эмаслиги;

5) таълим-тарбия жараёнида замонавий педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланиш учун зарур методик билим, кўникма ва малакаларни эгаллашларига эътибор берилмаслиги каби етишмовчиликлар ва камчиликлар борлигини кўрсатди.

Олиб борилган тадқиқот тасвирий санъат ўқитувчисининг илмий-методик тайёргарлигига киритилган методологик таркибий қисм илмий-методик тайёргарликнинг қолган таркибий қисмларига назарий асос бўлиб хизмат қилишини кўрсатди. Бу эса, ўз навбатида, тасвирий санъат ўқитувчисининг илмий-методик тайёргарлик даражаси компетенциясини шакллантиришнинг асосий омили ҳисобланиб, унда касбий билим, кўникма, малака ва шахсий сифатларни муваффақиятли шакллантиришга хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Байметов Б.,Толипов М. Мактабда тасвирий санъат тўгараги.- Т.: Фан, 1995.- 37 б.
2. Байметов Б. Қаламтасвир асослари. Ўқув қўлланма.-Т., 2000.- 68 б.
3. Кузин В. С. Основы обучения изобразительному искусству в школе.- М.: Просвещение, 1977.- 83 с.
4. Ростовцев Н.Н. Методика преподавания изобразительного искусства в школе.- М., 1974.- 79 с.
5. Гребенюк О.С., Гребенюк Т.Б. Теория обучения. - М.: ВЛАДОС-ПРЕСС, 2003.- 384 с.
6. Скаткина М.Н. Дидактика средней школы. - М.: Просвещение, 1982.- 319 с.

Андижон давлат университети,
2015 йил 5 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Ф. Ҳалилов)